

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 19 март сешанба

Сотувда эркин нархда

№ 57-58 (2885-2886)


*Парламентда*

## МАҚСАД — ИЖОБАТИ БИЛАН УЛУҒ

**Барчамизга маълум, мамлакатимиз ўз ривожланиш ва тараққиёт йўлини белгилар экан, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш орқали халқ фаровонлигига эришишни мақсад қилган эди. Ва ана шунга асосан ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига ўтиш тамойиллари ҳам ишлаб чиқилди. Унинг энг муҳимларидан бири кучли ижтимоий ҳимоя бўлиб, давлат сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгиланган. Табиийки, ўтиш давридек оғир синов шароитида давлат фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш вазифасини ўз зиммасига олиши шунчаки иш эмас. Хўш, айни режа ва мақсадлар ҳаётда ўз ифодасини топаяптими?**

Кеча Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси томонидан «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан ўтказилган илмий-амалий конференцияда ушбу хусусда кўп бор гапирилди.

Конференцияда таъкидланганидек, нафақахўрларнинг пенсия миқдори ошириб борилиши, талабалар учун барча имтиёз ва шароитлар яратилиши, давлат бюджетидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ажратилиши, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши орқали давлатимиз ана шу муҳим вазифаларни ифода этмоқда. Бу мақсадлар қуруқ гап бўлиб қолмаслиги учун уни амалга ошириш механизми яратилди ва такомиллашиб бормоқда.

Мамлакатимиз Парламенти томонидан ижтимоий ҳимоянинг қонуний асосларини яратиш мақсадида ўнлаб қонунлар қабул қилинди. Уларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши юзасидан ҳукуматимиз томонидан аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Жумладан, жамиятнинг турли соҳалари қаторида ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётир. Бу ислоҳотларнинг негизида, энг аввало, инсон омилига эътибор, унинг соғлиғи, турмуш ва яшаш шароитини яхшилаш ётади. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш замирида ҳам фуқаролар соғлиғини ҳимоя қилиш, соғлом фарзандлар туғилишини таъминлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, оналик ва боналикни ҳимоя қилиш, биринчи навбатда ногиронлар ва аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини ижтимоий муҳофаза қилиш каби давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари ўз аксини топган.

Ижтимоий ҳимоя сиёсатининг асосларини янада такомиллаштириш мақсадида Олий Мажлис томонидан Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастури қабул қилинди. Кексаларимизнинг ижтимоий ҳаётимизда тутган мавқеи ва салоҳияти, ёш авлод тарбиясидаги беқиёс ўрнини инобатга олиб давлатимиз раҳбари томонидан 2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинди. Шу муносабат билан қарияларга давлат ва жамият томонидан ғамхўрлик кўрсатишни ошириш ҳамда уларни ижтимоий муҳофаза қилишни, моддий ва молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида Давлат дастури ишлаб чиқилиб, республика Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланди.

Илмий-амалий конференцияда мавжуд Қонун, Фармон ва қарорларнинг ҳаётга татбиқ этиш юзасидан муайян таклифлар билдирилиб, керакли тавсиялар ишлаб чиқилди. Галдаги вазифалар эса уларни ҳаётга татбиқ этишга масъулият билан ёндошмоқ, барчамизнинг бу борадаги фаоллигимизни оширмоқдан иборатдир.

**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 март куни Оқсаройда Туркия Республикаси Қуролли кучлари Бош штаби бошлиғи Ҳусайн Қивриқ ўғлини қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий, ҳарбий-техникавий алоқаларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи билан боғлиқ масалалар тўғрисида сўз борди. Томонлар Афғонистонда амалга оширилаётган аксилтеррор операцияси, минтақавий ва халқаро хавфсизликка оид, шунингдек, ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти.**
**А. ТЎРАЕВ олган суратлар.**

## КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Бекободда Қора ва рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда тегишли вазирлик, идора ва уюшмалар, шунингдек, ҳудудий бошқарув органлари, иккиламчи металл хомашёсини йиғиш ва топшириш билан шуғулланувчи ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарган йиғилишда таъкидландики, мамлакатимизда кенг кўламли қурилиш ишлари амалга оширилаётир. Ўнлаб янги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, маданий-маиший муассасалар ва бошқа иншоотлар қад кўтармоқда. Шу боис қурувчиларни металл — бинокорлик материаллари билан ўз вақтида етарли миқдорда таъминлаш муҳим аҳамият касб этяпти.

Ўтган февраль ойи давомида режадагидан 2200 тонна кўп қора металл парчалари ва чиқиндилари тайёрланиб, қайта ишлашга топширилди. Бу эса ана шу иншоотлар учун кўплаб миқдорда металл — бинокорлик материаллари ва конструкциялар ишлаб чиқариш имконини беради.

Шу билан бирга, мавжуд нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш, жойларда рангли металл парчаларини тайёрлаш ва қайта ишлашга топширишни жадаллаштириш юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди, бу борадаги фаолиятни яхши йўлга қўйганларни рағбатлантириш ишларини кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

**Элбек ХОЛИҚОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

**Республика Киночилар уйида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Республика иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси томонидан ташкил этилган иқтидорли ўқувчи ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Президентининг АҚШга расмий ташрифи чоғида делегация таркибида бўлган Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ раҳбари Акмал Саидов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов иштирок этди.

Улар ёш авлод вакилларига бўлиб ўтган ташрифнинг аҳамияти, унинг мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ишончлилиги ва барқарорлигидан далолат бериши ҳақида сўзлаб беришди. Сафар давомида конгрессменлар, Американинг турли идоралари раҳбарлари, ишбилармон доиралар вакиллари билан кўплаб самарали учрашувлар ўтказилди. Ўзаро мулоқот давомида таъкидланганидек, АҚШ Ўзбекистон аксилтеррор операцияни қатъий қўллаб-қувватлагани ва бугунги кунда минтақавий хавфсизликни таъминлаш билан чекланиб қолмай, озодлик ва демократия тамойилларини изчил ҳимоя этаётганини унутмайди. Эндиликда Қўшма Штатлар ҳар доим Ўзбекистонни стратегик ҳамкор сифатида қўллаб-қувватлайди, мамлакатимизда ислоҳотларни амалга оширишга кўмаклашади. Халқаро терроризмга қарши курашга қўшган улкан ҳиссаси учун АҚШнинг жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари Ислом Каримовни "Халқаро миқёсдаги буюк давлат арбоби" унвони билан тақдирлади. Ташриф давомида кўпгина соҳалардаги, шу жумладан, таълим, фан соҳасидаги ҳамкорликни кўзда тутувчи муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Давлатимиз раҳбарининг АҚШга ташрифи якунлари халқаро молия институтлари билан алоқаларни кенгайтиришда муҳим омил бўлиши тўғрисида гапирилди. Нафақат Ўзбекистон иқтисодиётига, балки таълим соҳасидаги ислоҳотларга йўналтирилаётган хорижий инвестициялар кўлами ҳам ортиб бормоқда. Бу эса белгиланган ўзгаришларни тезроқ амалга ошириш, Ўзбекистон ўқув муассасаларида таълим сифатини халқаро мезонлар даражасига етказиш имконини беради.

Шунингдек, учрашувда ўтган йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Республика Улуғбек жамғармаси томонидан эълон қилинган иккита республика танлови натижалари сарҳисоб қилинди. Улар Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилди. Булар — "Ватан — биттадир, Ватан — ягонадир" иншолар танлови ва "Ўзбекистоним — иқтидорлилар бешиги" танловидир. Иккинчиси 7 та йўналишда ўтказилди: шеърият, публицистика, миллий қўшиқларни ижро этиш, фан ва техника, амалий санъат, рангтасвир, мураббийлик.

Ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида ҳакамлар ҳайъати тақдим этилган ишлар сифатини баҳолади. Иккита танловга 1,5 мингдан зиёд иш келиб тушди. Биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган 22 нафар қатнашчи ғолиб деб топилди. 30 нафардан ортиқ иштирокчи рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди. Танловларда иштирок этган иқтидорли ёшларнинг энг яхши ишлари жамланган иккита тўплам чоп этилди.

Учрашув ғолибларга мукофотлар ва совғаларни топшириш маросими билан якунланди. Мукофотлаш маросими давомида ёш артистлар, истеъдодли ўқувчилар чиқишлар қилди. Ушбу тадбир мамлакатимизда ҳақиқатан ҳам буюк мақсадларга муносиб ёш авлод вояга етганини кўрсатди.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ТУРКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ МУЗОКАРАЛАРИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Туркия Республикаси Қуролли кучлари Бош штаби бошлиғи Ҳусайн Қивриқ ўғли раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан музокара ўтказди.

Учрашувда томонлар ҳарбий-техникавий соҳадаги ўзаро ҳамкорлик, минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашди.

Музокара якунида Ўзбекистонга Туркия томонидан бериладиган беғараз ёрдам тўғрисида ҳужжат имзоланди.

Туркия Қуролли кучлари Бош штаби делегацияси Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов билан ҳам музокара ўтказди.

**(ЎзА).**

*Ташрифдан кейинги ўйлар*

## ЎЗБЕКИСТОН — ДУНЁ ЭЪТИБОРИДА



Президент Ислом Каримовнинг Америка сафари нафақат мамлакатимиз учун, балки халқаро миқёсдаги катта воқеа бўлди.

АҚШ билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликка мамлакатимиз мустақиллигининг илк давридаёқ асос солинган. Лекин ўтган даврда ўзаро муносабатларимизни кўпроқ иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги алоқалар тўлдириб келди. Масалан, "Кейс", "Ньюмонт майнинг" номлари "ўзимизники"га айланди. Ўзбекистонлик талабалар, турли соҳа мутахассислари уммонортида билим олиб, малака ошириб қайтмоқда.

Айни пайтда сиёсий соҳадаги ҳамжиҳатлигимиз ҳам янада мустаҳкамланмоқда. Оқ уй Ўзбекистоннинг халқаро сиёсат майдонидаги таклиф ва ташаббусларини доим маъқуллаб, уларга алоҳида назар билан қараб келаётгани ҳам бунга яхши мисол бўла олади. Дейлик, Президент Ислом Каримов Афғонистондаги можароларни ҳал қилиш чорасини излаш ташаббусини илгари сурганда, АҚШ бу таклифни қабул қилди ва "6+2" гуруҳига қўшилди.

Мавзудан озгина четга чиқадиган бўлсак, умуман, дунёнинг кўп мамлакатлари Ўзбекистоннинг нуқтаи назарига катта қизиқиш билан қараб келади. Ёдингизда бўлса, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йили Истанбулда ўтган саммитида Ислом Каримов биринчи бўлиб нутқ сўзлаган эди. Ваҳоланки, ўша саммитда АҚШ, Россия каби йирик ва қудратли давлатларнинг раҳбарлари ҳам иштирок этаётганди.

Хуллас, Ўзбекистон билан АҚШнинг сиёсий ҳамкорлиги аста-секин юксалаётган эди. Ўтган йилнинг бошида Давлат департаменти ўзини "Ўзбекистон исломий ҳаракати" деб атайдиган тўдани террорчилик ташкилотлари рўйхатига киритди. 11 сентябрь куни Вашингтон ва Нью-Йоркда юз берган мудҳиш воқеалардан кейин АҚШ Ўзбекистонни қатъий қарашларга эга мамлакат, Ислом Каримовни эса ўта жиддий ва оқил инсон, узоқни кўра оладиган раҳбар сифатида янгидан кашф этди, дейиш мумкин. Ўзбекистонни ўйлантириб келган ташвишлар фақат мамлакатимизнинг ўзигагина тегишли эмаслигини АҚШ эътироф қилди.

**(Давоми 2-бетда).**

*Наврўз нафаси*

## ДИЛИ ОЧИҚ ЎЛКАНИНГ ЙЎЛИ ОЧИҚ





Ўлкамизда яна Наврўз айёми. Унинг масиҳ нафасидан борлиқ уйғонмоқда. Ерда жонланиш, кўкда жонланиш. Фақат табиатда эмас, ҳар бир инсон руҳида, ҳар бир кўнгилда уйғониш. Энг яхши ният, мақсад, режаларни уйғотмоқда Наврўз. Элни, ҳар бир жонни савоб ишларга ундамоқда.

Умуман олганда, мамлакатимизнинг мустақиллиги ва Наврўз айёми ўртасида эзгу бир уйғунлик бор. Наврўз — янги йилнинг илк баҳорий қадамлари. Наврўзда ҳаёт қайтадан уйғонади. У борлиқда кўкариш, ривожланишни бошлаб беради. Худди шунингдек, Мустақиллик ҳам бутун элнинг тақдирида янги ҳаётни бошлаб берди. Бутун мамлакатни кўкартирмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак», дейди. Бу — айнан Наврўз идеаллари. Бутун Мустақил Ўзбекистон давлати юритаётган сиёсатнинг ва бутун жамиятимиз банд бўлган фаолиятнинг негиз-негизида Наврўзий интилишлар туради. Буюк аждодларимиз хотирасига кўрсатилаётган эҳтиром, уларга атаб барпо этилаётган зиёратгоҳлар, Ватанимиз мустақиллиги учун курашларда шаҳид кетганлар хотирасига бағишлаб бунёд этилаётган улкан хотира мажмуалари — булар Наврўзона қадамлардир. Бозор иқтисодиётига ўтишда ижтимоий ҳимояга муҳтож барча оилалар ва кишиларга давлатимиз ва жамиятимиз томонидан мунтазам равишда кўрсатилаётган хайру мурувватларда Наврўз удумлари мужассам.

Мустақиллик давридаги йилларнинг ҳар бири Юртбошимиз ташаббуси билан улкан бир савобли тадбирларга бағишланмоқда. Бу борада йирик давлат дастурлари қабул қилиниб, амалга оширилаяпти. Булар ҳам айнан Наврўз анъаналарининг ҳаётимизда давом эттирилаётганлигидан далолатдир.

Наврўз — узоқ тарихли халқ байрамидир. У фақат байрам эмас, балки халқнинг энг нодир ҳаёт тажрибаларини ўзида ифода этган, гўзал удумлар, анъаналар, урф-одатларни асрлар оша тарғиб этиб келаётган, инсониятни яхшиликка, эзгуликка, бунёдкорликка, тараққиётга даъват этиб келаётган айёмдир. Эзгулик қадрланар экан, Наврўз ҳам абадий бўлиб қолади.

Мустақил Ўзбекистон раҳбарияти ва халқи Наврўзга ана шундай ёндошади. Шу сабабларга кўра, Наврўзни эъзозлайди. Аслини айтганда, мустақиллик учун кураш дастлабки йилларда она тилининг қадри ва Наврўз байрамини асраб қолиш учун кураш шаклида юз кўрсатганлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Президентимизнинг Наврўзни умумхалқ байрами сифатида нишонлаш тўғрисидаги Фармони эса Наврўз айёми тақдирида туб бурилишни бошлаб берди. Сирасини айтганда, Ўзбекистонда Наврўз байрамининг қайтадан кенг, умумхалқ кўламида нишонланиши бу байрам умуман Марказий Осиёда, Озарбайжонда, Қозоғистонда, Татаристон ва Бошқирдистонда яна қайтадан анъанавий байрамга айланишига йўл очди.

Ватанимиз ўзи танлаган йўлдан дадил ишонч билан олдинга одимлаяпти. Бу йўлда бизга қасд қилганларнинг ўзи, қарангки, жазосини топмоқда. Жанубдан бизга таҳлика солиб турган ашаддий халқаро терроризмнинг капасига ўт кетди. Шу кунларда эса унинг томир-томири қирқиб ташланаяпти. Бу йилги Наврўзни мамлакатимиз сарҳадлари мана шундай ғубор ва таҳликадан ариган, юртимизда тинч, осойишта меҳнат шароитида янгидан-янги маҳобатли бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган бир бахтли лаҳзаларда чуқур мамнуният билан, Аллоҳга шукроналар айтиб қарши олаяпмиз. Беғубор, Наврўзий ўй-хаёллар, орзу-мақсадлар билан яшаётган элимизнинг жаҳонда обрўйи кун сайин сарбаланд бўлмоқда. Наврўз айёми арафасида давлатимиз Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга сафари, у ерда Ўзбекистон раҳбари ва ўзбек халқига кўрсатилган беҳад улкан иззат-икромлар, Президентимизга АҚШ жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари томонидан унинг халқаро террорга қарши курашга қўшган улкан ҳиссалари учун «Халқаро миқёсдаги буюк давлат арбоби» фахрли мукофоти топширилганлиги бизни беҳад мамнун этди. Дили очиқнинг йўли очиқ деб, шунга айтадилар-да.

Жорий йилни Қарияларни қадрлаш йили, деб атадик. Шу мақсадда йирик давлат дастури қабул қилинди. Қарияларни эъзозлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти. Бу — Наврўз удумлари бизда давлат миқёсида эъзозланаётганлигидан яна бир далолатдир.

«Бўлар бола — бошидан» дейилади халқ мақолида. Назаримизда, бошланган йил ҳам ибтидосидаёқ ўзини энг жиҳатлардан аён этди. Йилимизнинг хайрли келишидан илк Наврўз кунлариёқ гувоҳлик бериб турибди. Қишда намга етарли қониққан далаларда дон, зироат гуркираб келаяпти. Чигит ва бошқа зироатларни экишга қизғин киришилди. Наврўз баҳона, она заминимизда янги боғлар бунёд этилмоқда. Ерга миллион туплаб кўчатлар қадалмоқда. Худо хоҳласа, От йили аталмиш йилимизнинг якунловчи, заҳматли юксак довонида севимли Ўзбекистонимиз музаффариятнинг Оқ отида кўринишига ишончимиз ва имонимиз комил!

**М.САФАРОВ.**

**Суратларда пойтахтимизнинг ҳазрат Алишер Навоий номли «Миллий боғ»идаги Наврўз байрами тантаналарига тайёргарликнинг сўнгги босқичи акс эттирилган.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

## Жарқинбекка байрам совғаси

*«Наврўз» байрами яқинлашаётган шу кунларда «Соғлом авлод учун» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими ташаббуси билан Чиноз туманининг Эшонобод қишлоғида байрам-олди тадбирлари ўтказилди.*

*Корейс халқларига хайрия ёрдам кўрсатиш ташкилотининг раҳбари Чан Гван Хан ўзи олиб келган ногиронлар аравачасидан бирини шу қишлоқда яшовчи 8 ёшли ногирон Абилов Жарқинбекка байрам совғаси сифатида ҳадя қилинди.*

*«Наврўз» хайрия жамғармаси томонидан қишлоқдаги кам таъминланган оилаларнинг болаларига кийим-кечаклар топширилди.*

*— Халқимизнинг энг яхши анъаналаридан бири, — деб гап бошлади «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими раҳбари Гулсанам Ваҳобова, — меҳр-мурувват ва саховатпешаликдир. Наврўз кунлари кексаланган ва ногирон кишилар ҳолидан хабар олиш савобдир. Бугунгига ўхшаш тадбирлар ҳали режамизда анчагина бор. Наврўз айёми яқинлашаётган кунларда Жарқинбекдаги қувончдан биз ҳам қувондик.*

**Муфтилло ЮСУПОВ.**



**Олий Мажлис VIII сессияси олдидан**

# ИСЛОҲОТНИНГ ИЗЧИЛ МАНТИҒИ

***Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаш ва унинг негизини ташкил этадиган инсон ва фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шароит яратишдан иборат. Бу эса изчиллик билан олиб бориладиган ўзига хос демократик анъаналарни ривожлантириш ва ҳуқуқий пойдеворни яратишга қаратилган узоқ жараёндир. Энг муҳими, бу жараёнларда мамлакатимиз фуқаролари фаол иштирок этмоқдалар. Давлат томонидан эса фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этишларининг ҳуқуқий негизлари ва механизмлари мунтазам такомиллаштирилиб борилмоқда. Жорий йилнинг 27 январида ўтказилган референдум бунга ёрқин мисол бўла олади.***

Референдумда фаол иштирок этган халқимиз миллий давлатчилик тараққиётининг ҳозирги босқичидаги муҳим вазифалардан бирини ҳал қилиб, демократияни янада ривожлантириш ва ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда фуқаролик жамиятини қарор топтириш истиқболларини кўзлаб тарихий қарор қабул қилди. Яъни республикамизда икки палатали парламентнинг ташкил этилиши масаласига ўзининг ижобий муносабатини билдирди.

Ўзбекистон Республикасида парламентнинг қонун чиқарувчи орган сифатида шаклланиши ва ривожланиши ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ўзига хослик ўзбек миллий давлатчилигининг тарихий ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Зеро, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунлардан демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлини танлади ва шу йўлда изчил сиёсат олиб бормоқда.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида қабул қилинган янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддасининг иккинчи бандига кўра, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатлари референдум қарорига мувофиқлаштирилмоғи лозим. Ушбу қонун нормасига мувофиқ, референдум қарорларини ҳаётга татбиқ этиш парламент ислоҳотларини амалга оширишнинг навбатдаги босқичи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Олий Мажлиснинг навбатдаги саккизинчи сессияси муҳокамасига бирданига иккита масала, яъни «Ўзбекистон Республикаси референдумининг қарорларини амалга оширишга доир қонун ижодкорлиги ишлари концепцияси» ҳамда «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси киритилмоқда.

Парламент ислоҳотларини амалга ошириш, аввало, уни ташкилий жиҳатдан таъминлашнинг комплекс механизмларини ишлаб чиқишни кўзда тутади. У ислоҳотлар натижасида қонунчилик ҳокимиятида кўзда тутилаётган ўзгаришлар, қонун чиқарувчи ҳокимият тизими ва унинг ташкил этилишининг асосий йўналишларини ўз ичига олади.

Ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш учун тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва қарорлар қабул қилиш лозимки, улар ўз навбатида муайян вақтни ва тегишли мутахассисларни жалб қилишни талаб этади.

Парламент ислоҳотларини амалга оширишда уни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш энг муҳим ва марказий йўналишлардан бири ҳисобланади. Зеро, парламент ислоҳотларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, бир томондан, қонунчилик ҳокимиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берса, иккинчи томондан, уни амалга ошириш учун муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Хусусан, икки палатали парламент тизимини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда мукаммал ва фундаментал тадқиқотлар алоҳида ўрин тутади. Бу эса келгусида Парламентнинг умумий фаолияти ва унинг палаталарининг самарали ишлаши учун муҳим омил ҳисобланади.

Икки палатали парламент шароитида, аввало, ҳар икки палатанинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари, ташкил этилиши тартиби ва фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини қонун орқали аниқ белгилаш лозим бўлади.

Иккинчидан, парламент ислоҳотини самарали амалга ошириш учун ушбу соҳага оид қонун ҳужжатлари тизимини яратишда парламент фаолиятига доир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуини ишлаб чиқиш зарур. Табиийки, қисқа вақт ичида ва бир неча қонун ҳужжатида парламент фаолиятини тўла қамраб олишнинг объектив имкони йўқ. Шу сабабли парламентнинг институционал тузилиши ва функционал йўналишларини ҳамда унинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда келгусида махсус кодификацияланган қонунлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Парламент ислоҳотини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш босқичма-босқич олиб борилади. Бунда қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кетма-кетлиги ва уларни қабул қилиш муддатларини аниқлаш муҳим.

Демократик йўлдан бораётган ҳар қандай давлат ҳаётида парламент муҳим ўрин эгаллаши боис, уни малакали кадрлар билан таъминланиши айнан парламент фаолияти самарадорлигига тўғридан-тўғри таъсир қиладиган омиллардан ҳисобланади. Бу борада фуқароларни оммавий ахборот воситалари орқали сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа демократик институтлар иштирокида парламент фаолиятини тарғиб қилишга, унинг фаолиятига ва қонун лойиҳалари муҳокамасига янада кўпроқ жалб қилиш зарур. Айниқса, ёшлар ўртасида ўқув муассасаларида парламент, депутатлик фаолиятига доир мавзуларда учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш келгуси сайловларда депутатликка номзодларнинг савиясини янада юқори даражага кўтаришга ёрдам беради. Кенгроқ маънода эса бу жараён жамият сиёсий ҳаётининг янада либераллашувига, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ўсишига кўмак беради.

Муайян йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот муассасаларига фундаментал тадқиқотлар олиб бориш учун молиялаштириладиган мақсадли дастурлар ишлаб чиқишни ҳам тақозо этади. Буларни амалга ошириш учун ўз навбатида муайян моддий-техник ва информацион тизимлар билан таъминланишни назарда тутиш лозим.

Бу иш ўз навбатида қонунчилик ҳокимияти фаолиятига мақсадли янги информацион технологияларни татбиқ этишни ҳам ўз ичига олади.

Парламентни ягона информацион технологиялар билан таъминлаш тизимни яратиш, уни ягона методологик ва дастурий шаклда амалга ошириш келгусида Ўзбекистон Республикаси Парламенти фаолиятида доимий информацион-таҳлилий тизимини йўлга қўйиш имконини беради.

Бундай тизимларни янги парламент ҳаётида татбиқ этиш маълум миқдорда техник, технологик, дастурий ва молиявий харажатларни, шунингдек, янги коммуникацион линияларни барпо этишни талаб этади.

Парламент ислоҳотларини амалга ошириш жараёни илмий-назарий ишланмалар билан таъминлашни ҳам ўз ичига олади. Яъни, қонунчилик ҳокимиятини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатдан бир неча йўналишларда: фундаментал, илмий-оммабоп, услубий, ўқув ва бошқа ишланмалар ва материаллар билан таъминлаш лозим бўлади. Шунингдек, парламент ислоҳотларининг мазмуни ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, унинг моҳияти ва асосий вазифаларини ёритиб бориш ҳам бу борадаги асосий йўналишлардан биридир.

**Акмал РАҲМОНОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви кафедраси ўқитувчиси.**

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши жамоатчи тарғиботчилар гуруҳининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйлаб навбатдаги маънавий-маърифий тадбирлари мажмуи ана шу мавзуга бағишланди.

# ШАХС, ЖАМИЯТ, ИСЛОҲОТ ВА ВАТАН РАВНАҚИ

Бунда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи мазмун-моҳиятини, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил якунларига бағишланган йиғилишидаги нутқида илгари сурилган фикр-ғояларини ҳамда Америка Қўшма Штатларига расмий сафари натижаларини аҳоли кенг қатламлари ўртасида тарғиб ва ташвиқ этиш мақсади кўзда тутилган.

Бу маънавий-маърифий тадбирлар мажмуи Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, республика Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази билан ҳамкорликда амалга ошириляпти.

Сиёсатшунос, тарихчи, ҳуқуқшунос ва иқтисодчи олимларимиз Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари туманларида бўлиб, қишлоқ ва маҳаллаларда одамлар билан бевосита мулоқотлар ўтказишди.

Таниқли зиёлилар қишлоқ аҳли ўртасида «Мафкура, маънавият ва тараққиётнинг ўзбек модели», «Геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсат», «Конституция, ҳуқуқий онг ва фуқаро маънавияти», «Бозор иқтисодиёти: тежамкорлик ва тараққиёт» мавзуларида чиқиш қилди.

Савол-жавоблар бу учрашувлар одамларда катта қизиқиш уйғотганидан далолат беради.

Шу кунларда республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг таниқли зиёлилардан иборат навбатдаги гуруҳи Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тадбирлар ўтказяпти.

**Мурод ҲОШИМОВ.**



# ЖАСУРЛИК ВА

## ЁШЛАРНИ СПОРТГА ОММАВИЙ

Ўзбекистон заминида ўтказиладиган шундай анъанавий тадбирлар борки, уларда юзлаб, минглаб, баъзан ўн минглаб иштирокчи қамраб олиниши мумкин. Лекин биз ҳикоя қилмоқчи бўлган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида, оз эмас-кўп эмас, 6 миллиондан ортиқ мактаб ўқувчиси қатнашади. Кўлами ва қамрови жиҳатидан бунчалик оммавий тадбир яна қаерда бор?!

Дафъатан кўнглингизда савол туғилиши мумкин: шунча бола қаерга сиғади? Гап шундаки, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига мунтазам жалб қилишни таъминлайдиган яхлит тизимнинг биринчи бўғини ҳисобланмиш «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг ўзи тўрт босқичдан иборат бўлиб, у умумий ўрта таълим режасига киритилган. Мазкур тадбирнинг илк босқичи мактаб миқёсида синфлараро беллашувларда бошланиб, таълим муассасаларининг зонал мусобақаларидан сўнг навбатдаги иккинчи босқич — туман миқёсига кўтарилади. Учинчи босқич ўқувчиларнинг туман терма жамоалари ўртасидаги мусобақалари натижасида вилоят ғолибларини аниқлаб беради. Охирги босқич мамлакат миқёсида бўлиб, ўқувчиларнинг вилоят терма жамоалари ўртасидаги беллашувлари бу йил Фарғона шаҳрида 24 апрелда очилиши кўзда тутилмоқда.

Мусобақаларга «Умид ниҳоллари» деб ном берилиши ҳам катта маънога эга эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Ниҳол — бу эндигина экилган кўчат. Унинг келажакда қандай мева бериши илк паллада амалга оширилган парвариш ва эътиборга боғлиқ. Биз эса шу мурғак ниҳоллар — фарзандларимиздан умидвормиз. «Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш замонидир. Биз тарихан қисқа фурсат ичида бошқа соҳаларда бўлгани каби бу борадаги мақсад ва бурчимизни ҳам яхши англаб олдик». Ҳа, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, бу борада ана шу улуғ мақсадга ҳамоҳанг қадамлар ташламоқдамиз, шу асосда жисмоний тарбия ва спорт ўсиб келаётган ёш авлоднинг бир умрлик дўсти-ҳамроҳига айланмоқда. У ёшларимиз учун доимий эҳтиёжга айланмоқда. Бундай оммавий тадбирлар орқали миллат саломатлиги, генофонди юқори поғонага кўтарилади.

Жисмонан чиниққан соғлом авлоддан соғлом фарзанд дунёга келади. Ўз ҳаётини спортсиз тасаввур этмаган оиланинг янги аъзолари ҳам ана шундай табиий муҳитда камол топади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакат ёшларини оммавий спорт мусобақалари билан қамраб оладиган узлуксиз тизим яратилди. Таълим моделига уйғунлашган «Умид ниҳоллари» мусобақалари ана шу тизимнинг энг қуйи, энг кўп ўқувчи ёшларни қамраб оладиган бошланғич бўғинидир. Шуни айтиш керакки, мазкур мусобақалар йўлга қўйилиши асносида ҳар бир мактаб ўқувчисининг саломатлиги нафақат назоратга олинади, балки доимий равишда мустаҳкамланиб боради. Боланинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб, ундаги кўрсаткичлар мақбул меъёрда бўлиши учун интилинади. Айнан натижалар қанчалик қониқарли-қониқарсизлиги «Барчиной» ва «Алпомиш» ўйинларида баҳоланади. Ҳар босқичларда терма жамоалар тузилиши туфайли иқтидорли ёшларнинг спорт турлари бўйича маълумот банки тузилади.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, гоҳо бу борада масаланинг моҳиятини тўлиқ англамаган баъзи кишилар «Умид ниҳоллари» мусобақаларини эски замонлардаги спартакиадаларга муқояса қилишмоқда. Бу мутлақо нотўғри тасаввурдир. Спартакиадаларда саноқли ёшлар қатнашиб, асосий қатлам эътибордан четда қолиб кетарди. Бу тизим эса бирорта болани четлаб ўтмайди. Бундай мусобақалар жараёнида ишнинг кўзини биладиган барча спорт федерация мураббийларига истеъдодли ёшларни кашф қилиш учун катта имкониятлар эшиги очилади.

Бугунги кунда янги мақомга эга «Ёшлик» спорт жамияти истеъдодли спортчиларни алоҳида ҳисобга олиб боради. Улар ўз-ўзидан таълимнинг кейинги босқичлари — ўрта махсус касб-ҳунар таълими, олий таълим муассасаларида таҳсил олиш даврида заррача назардан қочирилмайди, «Баркамол авлод», «Универсиада» ўйинларига жалб қилинади, шу асосда улардаги маълум спорт тури бўйича тўпланган тажриба, маҳорат, йилдан-йилга ортиб, такомиллашиб бораверади, келгусида Ўзбекистон терма командасига номзодлар ҳам ўша истеъдодли ёшлар орасидан танланади. Мутахассисларнинг эътироф этишларича, дунё мамлакатларида ўқувчи ва талаба ёшларнинг турли даражали спорт мусобақалари мавжуд, аммо ўсмирлар ва ёшларнинг жисмоний тарбия ҳамда спортга оммавий жалб этишнинг бизда амал қилаётган тизимга ўхшаш мукаммал узлуксиз тизими жаҳон тажрибасида кузатилмаган.

Бу тизим жамиятимиз, айниқса, ёш авлод ҳаётига ижобий таъсир кўрсатиб, уларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда. Бундай самарали тизимни ўз келажагини, фарзандларининг бахти ва камолини ўйлаган жамиятгина ташкил қилади. Бизнинг таълим соҳасидаги ислоҳотларимизни халқимиз қандай англаб амалга ошираётган бўлса, бу тизимдаги мусобақалар ҳам шундай ташкил этилмоқда.

Ушбу тизим ўзини ўзи бошқаради, турли босқичдаги таълим муассасаларининг моддий ва спорт базасини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Унинг энг ибратли томони шундаки, ёшлар ўз интилишлари самарасини мусобақалар босқичига ўтишда кўриб ҳис этади. Бу эса улардаги ғурур ва аниқ мақсад сари интилиш туйғуларини кучайтиради, минглаб ёшларни дўстлаштиради, уларни эзгуликка, мардликка, олижанобликка чорлайди, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади.

Бу тизим таркибидаги мусобақаларнинг барчаси Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги, унинг келажаги ва тинчлигини таъминлаш учун ўта муҳимдир. Қолаверса, у халқаро Олимпиа ҳаракатида муносиб ўрин эгаллашга интилаётган Ўзбекистон учун битмас-туганмас, қудратли спорт заҳирасини барпо этиш имконини яратади.

Бу тизим таркибидаги мусобақалар нима учун унинг қуйи бўғинидан — «Умид ниҳоллари» ўйинларидан эмас, балки унинг юқори бўғинидан — «Универсиада» ўйинларидан бошланди, деган табиий

**«Ташаббус —2002»**

# Ғолиблар пойтахтга келишди

**Самарқандда «Ташаббус — 2002» республика кўрик-танловининг вилоят босқичига якун ясалди. Унда Жомбойдаги «Фармасам Ко Лтд» корхонаси раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Камолиддин Маҳмудов «Энг яхши тадбиркор», сиёблик кандакор Лутфилло Сайидов «Энг яхши ҳунарманд», ургутлик Барно Мамадалиева эса «Энг яхши фермер» деб топилди. Бугун ғолиблар республика кўрик-танловида қатнашиб, вилоят шарафини ҳимоя қиладилар.**




*СУРАТЛАРДА: Самарқанд туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигининг миллий мусиқа асбоблари устахонаси бошлиғи Ҳамроқул Ҳайдаров (чапдан) ва унинг шогирдлари; шу тумандаги Ҳикмат Асадов номли ижара хўжалиги раиси Дилором Асадова; вилоят «Ҳунарманд» уюшмаси раҳбари Акобир Ҳакимов (чапдан), ургутлик усталар Нўъмон Облоқулов ва Содиқ Ғафуров кулолчилик равнақи хусусида суҳбатлашмоқдалар.*

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ИШБИЛАРМОНЛАР ТАДБИРИ

**Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида "Ташаббус-2002" танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Сарой заллари танловда иштирок этган ўнлаб тадбиркорлар, фермеру ҳунармандларнинг меҳнатлари маҳсули билан тўлди. Танлов шартларига кўра, нуроталик сангтарош Ортиқбой Эсонов энг яхши ҳунарманд, "Навоийдон инвест" жамоа фирмаси энг яхши тадбиркор, "Поток" кичик корхонаси энг яхши фермер сифатида эътироф этилиб, республика босқичига йўлланма олдилар. Ғолиблар вилоят ҳокимлиги томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.**

# ГРАНТ АНДИЖОНГА

**Тошкентдаги Бизнес марказида мамлакатимиз ўрта умумтаълим муассасалари учун 225 минг АҚШ доллари миқдоридаги грант топширилди. Япония ҳукуматининг навбатдаги гранти Андижон вилоятида таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига янги технологиялар киритиш учун сарфланади.**

# ФАХРИЙЛАР БОҒИ

**Ёшларга ташаббускорлик ярашади. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ташаббуси билан Китобда "Фахрийлар боғи" ташкил этиладиган бўлди. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан ташкил этилаётган боққа дастлабки ниҳоллар ўтказилди.**

# ЎЗБЕКИСТОН — ДУНЁ ЭЪТИБОРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Очиқ айтадиган бўлсак, сентябрь воқеаларидан кейин Америка Қўшма Штатлари биз билан жиддий ва узоқ муддатли муносабат ўрнатиш ўзининг манфаатлари учун ғоят муҳимлигини тан олди. Ўзбекистон ва АҚШнинг куч-қудратию салоҳиятини солиштириб бўлмаса-да, Жорж Буш Ислом Каримовни ўз мамлакатига расман таклиф қилди. Бу эса АҚШнинг Ўзбекистонга нисбатан тенглик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган муносабатидан далолатдир.

Вашингтонда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида имзоланган декларация — алоҳида мавзу. Гап шундаки, Ўзбекистон кўп мамлакатлар билан фойдали келишувларга эришиб, икки томонлама ҳужжатлар қабул қилган. Лекин, яширадиган жойи йўқ, бундай ҳужжатларнинг ҳаммаси ҳам тўлиқ ишлайвермайди. АҚШ эса ўта қонунсевар мамлакат. Бундай омилдан фақат битта хулоса чиқариш мумкин, яъни бу ҳужжат тўла ишлайди, дейишга асосимиз бор.

Иккинчи жиҳати — декларациянинг қисқалиги, содда ва тили равонлиги. Унда катта-катта шартномалардаги каби узун-узун моддалар йўқ. Атиги бешта банд. Ҳар бири муайян соҳага бағишланган: сиёсий муносабатлар, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик, иқтисодий муносабатлар, ижтимоий алоқалар, ҳуқуқ соҳасидаги ҳамкорлик.

АҚШ Давлат котиби Колин Пауэллнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида аксилтеррор операцияси доирасидаги ҳамкорлигимиз тактикавий зарурат тақозоси бўлиб қолмай, ўзаро муносабатларимиз стратегик режалар асосида ривожланиш палласига киргани айтилганди. Ислом Каримовнинг АҚШга сафари чоғида бу сўзлар ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилди.

Шу ўринда Президентимизнинг бир фикрини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Биз АҚШга "осилиб" олаётганимиз йўқ. Қарс — икки қўлдан. Икки томон халқаро муносабатлар мезонларига, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос равишда бир-бирига қўл чўзяпти. Давлатларимиз тараққиётнинг қандай босқичида эканлигидан, қай бирининг салоҳияти қандайлигидан қатъи назар, биз тенглик асосида ўзаро муносабатларни ривожлантиряпмиз. Ўзбекистон ҳам, АҚШ ҳам ўз манфаатларини ўйлагани учунгина стратегик ҳамкорлик ўрнатилмоқда. Бу эса дунё нигоҳини Ўзбекистонга қаратди. Гап шундаки, АҚШдек давлат бизга эътибор қаратар экан, бошқа мамлакатлар жим қараб турмайди. АҚШ Ўзбекистон билан муносабатларини стратегик даражада кенгайтиришдан манфаатдор экан, бошқалар ҳам шунга интилиши табиий. Демак, Ўзбекистон дунёнинг кенг эътиборида. Бу эса мустақилликнинг илк даврида танлаган ва оғишмай келаётган йўлимиз тўғрилигининг яна бир кенг эътирофидир.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, қуйи бўғин мусобақаларида иштирокчилар кўп, улар оммавий руҳда ўтади. Бу эса алоҳида тайёргарликни талаб этади.

Универсиада спорт ўйинларининг биринчи босқичида 120 минг талаба қатнашган бўлса, «Баркамол авлод» мусобақаларида жами 500 мингдан ортиқ ўқувчи ёшлар иштирок этди. «Умид ниҳоллари» ўйинларида 6 миллиондан зиёд ўқувчи қатнашиши кўзда тутилмоқда. Мана шу тариқа биз спортнинг

# КОМИЛЛИК КЎРИГИ

## ЖАЛБ ЭТИШНИНГ УЗЛУКСИЗ ТИЗИМИ ҲАҚИДА

оммавийлиги сари бормоқдамиз.

Узлуксиз спорт ҳаракатининг таълим билан уйғунлашган ҳолда олиб борилишида гап кўп. Агар боланинг тани соғлом бўлса, унинг тафаккури ҳам беғуборлашади. Кўнгли пок ўқувчининг билим олишга интилиши ҳам кучли бўлади. Билимлар дунёсига кирган инсоннинг маънавияти юксак бўлиши муқаррар. Ана шундай фазилатларни ўзида мужассамлаштирган фарзандларимиз истиқлол қўлга киритган қадриятларни кўз қорачиғидай эъзозлайди, ўз юрти ҳимояси учун кўксини қалқон қилишга шай туради. «Умид ниҳоллари» мусобақаларида қатнашган ўқувчи турли миқёсдаги ўйинларда ўз мактаби, тумани, вилояти шаънини ҳимоя қилар экан, ўша заминга нисбатан меҳри, ғурури ортади. Ўзи вакил бўлган маконга яхши ном келтирганини юракдан ҳис этади, кўзларида қувонч ёши порлайди. Шундай ҳалол, адолатли беллашувларда чиниққан бола жасур ва ўзига ишонган ҳолда вояга етади. Бундай ёшлар юрт тинчлиги учун ҳамиша ҳушёр бўлиб, уларнинг кўксидаги жўшқин туйғулар бошқаларга ўтади.

Агар эътибор қилсангиз, «Умид ниҳоллари» мусобақаларига нафақат куч, балки ақл-заковатни ишга солишни тақозо этадиган спорт турлари киритилган. Футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, енгил атлетика, сузиш, теннис, стол тенниси, шахмат майдонларида чаққонлик, эпчиллик билан ақл ҳам беллашади. Фарғонача ва бухороча кураш эса миллий ғурурни оширади. Шу тариқа комил инсонлар жамиятимизни ҳаракатга келтирувчи кучга айланади. Модомики, спорт гўзаллик тимсоли экан, фақат гўзал қалбгина бунёдкорлик ишларига чоғланиши мумкин.

Янги ташкил этилаётган ўйинлар инсон ҳаётида қандай ўрин тутишини шу мусобақаларда қатнашаётган болаларнинг ота-оналари билдирган фикрлардан ҳам илғаш мумкин. «Биз армонда қолгандик, болаларимиз бизнинг ушалмаган орзуларимизни рўёбга чиқаришаяпти, кўрмаганимизни кўришаяпти». Бундай шукрона сўзларни ҳар қадамда эшитамиз. Ҳа, бугунги ёшларимиз Ватаннинг жисмоний ва интеллектуал ресурсларидир. Улар ўз идроклари, заковатлари билан юрт бойлигини кўпайтириб, она юрт номини жаҳонга таратишмоқда.

Халқимизда азалий бир одат бор. Бирор одам тўй қилиб, элни чорласа, аввало, хонадонини саришта қилиб, атрофга файз бахш этади. Ҳозирги кунда Фарғона, Марғилон шаҳарларидаги туб ўзгаришларни ҳам ана шу анъананинг ўзига хос намойиши дейиш мумкин. Бугун бу диёрда ҳамма «Умид ниҳоллари» билан яшаяпти, десак, муболаға бўлмас. Жаҳоний андозалар асосий мезон қилиб олинган. Тошлоқ тумани марказида бу ерлик қурувчиларнинг ғайрат-шижоати билан илгари қаровсиз ётган жойда улкан спорт мажмуи вужудга келмоқда. Спортчилар дам оладиган, ювинадиган хоналар ёруғ, шинам ва қулай. Ахир бундай кошоналар бир ҳафталик мусобақа учун эмас, доимий фойдаланиш учун қилинаяпти-да. Вилоятда бюджет маблағидан ташқари миллиард-миллиард сўмлар ана шу эзгу ишга йўналтирилмоқда.

Шу кунларда Фарғонада жуда катта миқёсда тайёргарлик ишлари олиб борилаяпти. Тадбир ташкилотчилари мусобақаларнинг икир-чикирларигача ҳисоб-китоб қилишаяпти. «Фарғона» стадионида (дарвоқе, бу иншоотда ҳозир қурилиш авжида) мусобақа машъаласи ёндириладиган қурилманинг шакл-шамойили қандай бўлиши муҳокама қилинаяпти. Шунга эришайликки, ўйинларнинг ҳар бир лаҳзаси иштирокчилар қалбида муҳрланиб қолсин. Шунга эришайликки, машъала оловидан ҳар бир қатнашчининг қалби алангa олсин. Ҳокимдан тортиб спорт йўриқчисигача шундай ниятни дилига тугиб ишлашаяпти.

Дарвоқе, машъал ҳақида. Ушбу, ўйинларда порлайдиган олов ҳам Паркентдаги «Физика — Қуёш» қурилмасидан ёндирилади. Тошкент вилоятининг тоғли туманида жойлашган бу илм даргоҳи дунёда мавжуд бўлган иккита шундай қурилманинг биридир. Мазкур қурилма қуёш нурини жамлаб, 3000 градусдан ортиқ иссиқлик ҳосил қилади. Ушбу иншоот ўзбек миллатининг интеллектини, давлатимиз салоҳиятини ифодалайди. Бу олов мамлакатимиз ёшлари қалбида она юртга бўлган ҳароратини ёдга солади. Шу юрт учун ёниб ишлайдиган инсонлар юрагини акс эттиради. Ловуллаб ёниб турган машъала ҳар бир ёшнинг юрагига чўғ солади ва ёниб яшашга ўргатади.

Узлуксиз тизим оммавий спорт-соғломлаштириш ишини кўтарибгина қолмай, балки истеъдодли спортчиларни танлаб олиш, уларнинг маҳоратини ошириш ҳамда спорт клублари ва мамлакат терма жамоалари учун ўринбосарлар тайёрлашга ҳам хизмат қилмоқда. Айниқса, спорт ўйинларини ривожлантиришда узлуксиз тизим жуда катта аҳамиятга эга эканлигини исботлади. Масалан, қатор йиллар мобайнида волейбол бўйича аёллар ўртасида республика чемпионати ўтказилмас эди. Жорий йилдан бошлаб 9 жамоа (улардан 5 тасини олий ўқув юртлари жамоалари ташкил этади) республика чемпионатида қатнашиш истагини билдирди. Эркаклар ўртасида волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лигасида қатнашаётган 8 та жамоанинг 5 тасини, гандбол бўйича эркаклар ўртасида Ўзбекистон чемпионатида қатнашаётган 9 та жамоанинг 5 тасини, аёллар ўртасида 7 та жамоанинг 2 тасини, баскетбол бўйича эркаклар ўртасида Ўзбекистон чемпионатида қатнашаётган 8 та жамоадан 6 тасини, аёллар ўртасида 7 та жамоадан 5 тасини олий ўқув юртлари жамоалари ташкил этади. Шундай ўйинларда иштирок этиб, мутахассислар эътиборига тушган 9 та спортчи волейбол бўйича **5** тадан спортчи кураш ва белбоғли кураш бўйича мамлакат терма жамоалари аъзоларидир. «Универсиада», «Баркамол авлод», «Умид ниҳоллари» мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, халқаро мусобақаларда мамлакатимиз шарафини муваффақиятли ҳимоя қилаётган ёш спортчилар орасида шахмат бўйича ёшлар ўртасида Жаҳон чемпиони Иброҳим Ҳамроқулов, унинг опаси, Бутунжаҳон Шахмат Олимпиадаси қатнашчиси Ирода Ҳамроқулова, ёшлар ўртасида Осиё чемпионлари Антон Филиппов, Темур Гареев (шахмат), Бутунжаҳон ёшлар ўйинларининг ғолиб ва совриндорлари Севара Қодирова, Нилуфар Сотволдиева, Манзура Иноятова, Саида Бурхонхўжаева, Альберт ва Темур Шириевлар (стол тенниси), халқаро ўсмирлар турнирлари ғолиблари Мурод Иноятов, Фаррух Дўстов, Оқгул Омонмуродова, Варвара Лепченко, Лилия Биктякова (теннис), Осиё биринчилиги совриндори Леонид Андреев (енгил атлетика) каби иқтидорли спортчилар бор.

Ҳа, Фарғонада «Умид ниҳоллари» мусобақаларини орзиқиб кутишаяпти: ташкилотчилар бу ерга келган ҳар бир қатнашчи гўё ажиб бир оламга тушгандай ҳис этиши учун ҳаракат қилмоқдалар. Негаки, бу тадбирга Ўзбекистоннинг умидли юлдузлари ташриф буюрадилар. Уларнинг меваси лаззатли, серҳосил бўлишини ҳамма-ҳамма истайди.

Лекин шундай бир кайфият ҳукмрон бўлган пайтда айрим эски қолиплардан чиқолмаётган раҳбарлар соғлом келажакка қаратилган бу сиёсатни тўла англаб етмаётганликлари ҳам бор гап. «Ҳа, энди, ўша кунлар келсин, қараб турмаймиз, ҳаммаси яхши ўтади», деган хотиржамлик бу мусобақаларнинг асл мақсадини англамасликдан бошқа нарса эмас. Ҳолбуки, «Умид ниҳоллари» ўйинлари бир-икки ҳафтани эмас, балки бутун ўқув йилини қамраб оладиган доимий тадбир. Келажакда бу ташкилий ишларимиз ўз-ўзидан ҳаракатланувчи табиий жараёнга айланиши керак. Демак, ҳар бир юракка тушган чўғ фарзандларимизни эртанги кунга, истиқболга чорласин.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

# «ШИРКАТ УСУЛИ БИЗГА МАЪҚУЛ»

### — дейди Қибрай туманидаги “Маданият” хўжалигининг пудратчиси Маҳкам Соипов



Пойтахтимизнинг шундоқ ёнгинасида жойлашган «Маданият» жамоа хўжалиги ширкатга айлантирилганига икки йилдан ошди. Лекин, орадан қисқа муддат ўтган бўлишига қарамасдан, самара яққол кўзга ташланмоқда. Биз жамоанинг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиб, бунга ишонч ҳосил қилдик.

Хўжалик азалдан мева ва сабзавотчиликка ихтисослашган. Аммо кейинги йилларда ғаллачиликка ҳам алоҳида эътибор берилаётганлиги боис, мазкур соҳа ҳам асосий тармоқлардан бирига айланди. Ундан мўмай даромад олинмоқда. Масалан, ўтган йили 270 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 43 центнердан ғалла етиштирилди. Бунинг эвазига қарийб 16,2 миллион сўм соф фойда қўлга киритилди.

Сабзавотчилик ҳам хўжаликка катта фойда келтирмоқда. Бунинг учун 159 гектар ер майдони ажратилган. Помидор, картошка, карам ва пиёзнинг навларига алоҳида эътибор бериб, маҳаллий шароитга мос, серҳосил уруғлар танланаётганлиги боис ҳосилдорлик ошиб бормоқда. Ўтган йили ҳаммаси бўлиб, 4340 тонна сабзавот маҳсулотлари етиштирилиб, шартнома асосида истеъмолчилар ва қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилди. Тармоқдан олинган соф фойда эса қарийб 12,5 миллион сўмни ташкил қилди.

Ширкатнинг афзаллиги мавжуд боғ ва токзорлардан ҳосил етиштиришда ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Барча майдонлар пудратчиларга ижарага берилган. Ҳар бир томоннинг мажбуриятлари қайд этилган шартномалар тузилган. Уларда пудратчининг ҳам, хўжаликнинг ҳам манфаати ўз аксини топган. Натижада бултур шартномада кўзда тутилганидан зиёд маҳсулот тайёрланди. Соҳадан қарийб 4,5 миллион сўм соф фойда олинди.

Умуман, 2001 йили ширкат хўжалиги барча соҳалардан жами 39 миллион 168 минг сўм соф фойда олишга эришди. Йил якунига кўра, ширкат аъзоларига тўрт миллион сўм дивиденд ажратиш мўлжалланмоқда. Шу билан бирга, шартномадан ортиқча етиштирилган ғалла, мева, сабзавот ва узумнинг ҳаммаси пудратчиларнинг ўзида қолаётганлиги ҳам уларнинг қўшимча даромад олишларини таъминлаяпти.

— Ширкат усули бизга маъқул келди, — дейди пудратчи Маҳкам Соипов. — Ҳар бир киши ердан унумли, самарали фойдаланишга ҳаракат қилаяпти, Натижада меҳнатимизга яраша даромад олаяпмиз. Пудратчилар қанча дивиденд олишларини ҳам олдиндан билишади. Масалан, мен ўтган йил якуни бўйича 163 минг сўм дивиденд оларканман.

Хўжаликда ҳозир эртанги экинларни экиш бошлаб юборилган. 350 гектар ердаги ғалла майсалари ўз вақтида озиқлантирилаётганлиги туфайли барқ уриб ўсмоқда.

— Ишимизда муаммолар ҳам йўқ эмас, — дейди ширкат хўжалиги бошқаруви раисининг ўринбосари Раим Арслонов. — Биз уларни синчиклаб ўрганиб, жамоанинг ўзида ечиш чораларини кўраяпмиз.

Хўжаликда олинаётган даромад йилдан-йилга ошиб бораётганлиги туфайли қурилиш ва ободонлаштириш ишларига ҳам катта эътибор қаратилаяпти. Масалан, ўтган йили 4 та мактаб, 2 та болалар боғчаси таъмирланди, янги боғ ва теракзорлар барпо этилди.

Ҳа, хўжалик юритишнинг ширкат усули афзаллигини кўрган жамоа аъзолари эртанги кунга ишонч билан қараб, кўкламги дала ишларини оби-тобида бажаришга ҳаракат қилмоқдалар.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## КЕЛИНГ, ЯПОНЧА СЎЗЛАШАМИЗ

**Япон тили нотиқлик санъати бўйича ўтказилган республика танлови якунланди. Унда Самарқанд Давлат чет тиллар институти талабаси Дилафрўз Абдуллаева ғолибликни қўлга киритди. Розия Муҳсинова эса иккинчи ўринга сазовор бўлди.**

**Япония элчихонаси тақдим этган қимматбаҳо совғалар соҳибалари бўлган икки қиз танловнинг МДҲ ёшлари ўртасида ўтказиладиган босқичида иштирок этишади.**

# ҲИСОБНИ БИЛГАН ЮТАДИ

### Республика Марказий банкида Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг “2002 йилда нақд пул эмиссияси даражаси ва касса режаси кўрсаткичлари тўғрисида”, “Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда ҳукумат томонидан тасдиқланган “Ички истеъмол бозорини ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан тўлдиришга доир 2001-2005 йилларга мўлжалланган дастури”да қўйилган вазифаларнинг бажарилиши каби масалалар муҳокама этилди.

Мажлисни мазкур комиссия раиси, республика Марказий банки раиси Файзулла Муллажонов бошқарди.

Қайд этилдики, шу йилнинг январь-февраль ойларида мамлакатимизда пул тизими янада мустаҳкамланди, умуман, нақд пул эмиссиясига йўл қўйилмади. Аксинча, муомаладан нақд пул олишга эришилди.

Шу билан бирга, республикамизнинг айрим минтақаларида, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида маҳаллий бозорларни зарур халқ истеъмоли товарлари билан тўлдириш, пулли хизматлар турларини кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш борасидаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаётгани оқибатида нақд пул эмиссиясига йўл қўйилаётгани ташвишланарли ҳолат эканлиги қайд этилди. Мажлисда мазкур ҳудудлар Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарлари ҳисобот берди.

Таъкидландики, ўтган давр мобайнида Навоий вилояти Пул-кредит комиссияси ишида айрим камчиликларга йўл қўйилган. Хусусан, вилоятнинг Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларида, Хатирчи, Нурота, Қизилтепа, Конимех туманларида нақд пул эмиссияси даражаси юқорилигига қарамасдан вилоят Пул-кредит сиёсати комиссияси томонидан ушбу туманларда мазкур кўрсаткични пасайтириш юзасидан етарли чора-тадбирлар кўрилмаган. Юқорида тилга олинган туманларда халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва пулли хизматлар кўрсатиш даражаси вилоят ва мамлакат кўрсаткичларидан бир неча бараварга паст.

Аҳвол шундай бўлган бир пайтда вилоятнинг айрим шаҳар ва туман Пул-кредит сиёсати комиссиялари томонидан касса кирим режаси ва нақд пул эмиссияси кўрсаткичларини бажариш масаласи мунтазам равишда муҳокама қилиб борилмаган. Хусусан, Навоий шаҳри ва Хатирчи тумани Пул-кредит сиёсати комиссияларининг мажлисларида ушбу масала мунтазам равишда кўриб борилмаган.

Мажлисда Навоий вилояти ҳокими ўринбосари — ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссияси раиси Б.Қўшановга комиссиянинг 2001 йилдаги иш фаолияти қониқарсизлиги кўрсатиб ўтилди. Унинг зиммасига юқорида қайд этилган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш, айбдор раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ҳудудий комиссия мажлисида алоҳида кўриб чиқиш, бу борада талабчанликни янада ошириш вазифаси топширилди.

Наманган вилояти ҳокими ўринбосари — ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссияси раҳбари А.Болтабоевга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Ички истеъмол бозорини ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан тўлдиришга доир 2001-2005 йилларга мўлжалланган дастур”да қўйилган айрим вазифаларнинг вилоятда бажарилиши етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Унинг зиммасига мазкур дастурда қўйилган вазифаларнинг оғишмай бажарилишини таъминлаш, вилоятда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, истеъмол товарлари экспорти ҳажмини, пулли хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда шулар ҳисобига ҳудудда нақд пул муомаласини янада мустаҳкамлаш вазифаси топширилди.

Комиссия мажлисида Наманган вилоятига қўшни бўлган, иқтисодий салоҳияти деярли бир хил бўлган Андижон ва Фарғона вилоятларида узоқ вақтдан бери эмиссияга йўл қўйилмасдан муомаладан пул олишга эришиб келинаётган бир пайтда Наманган вилоятида бунинг акси бўлаётгани кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, мажлисда Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари, ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссияси раиси З.Пўлатов вилоятда Вазирлар Маҳкамасининг “Нақд пул эмиссиясини қисқартиришга доир қарорлари ҳамда “Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2001 йил 22 июндаги 264-сонли қарорининг бажарилиши юзасидан ҳисобот берди.

Қайд этилдики, вилоятда ушбу қарор ижросини таъминлаш борасида бирмунча ижобий ишлар қилинган. Хусусан, жорий йил бошидан буён вилоятда эмиссияга умуман йўл қўйилмаган, мунтазам равишда муомаладан нақд пул олишга эришилган. Шу билан бирга, вилоятнинг айрим туманларида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, пулли хизматлар турларини кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш ҳисобига нақд пул эмиссияси даражасини қисқартириш масаласига етарли эътибор берилмаётганлиги таъкидланди.

Мажлисда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

**Шу йил февраль ойи бошида “Халқ сўзи”, “Народное слово” газеталарида ЎзА мухбири Абдужалол Тайпатовнинг “Музхонага айланган мактаблар” (“Школы - холодильники”) сарлавҳали танқидий мақоласи чоп этилган эди.**



# «МУЗХОНАГА АЙЛАНГАН МАКТАБЛАР»

Мақолада Чироқчи туманида қишки мавсумга пухта тайёргарлик кўрилмаганлиги туфайли умумтаълим мактаблари ва таълим муассасаларида юзага келган ночор вазият, синфхоналар иситилмаётгани боис давомат тушиб кетгани, таълим-тарбия жараёнлари ўз ҳолига ташлаб қўйилгани танқид қилинган эди.

Мақолага Қашқадарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Н.Ҳакимов имзоси билан жавоб хати олинди. Унда шундай дейилади:

*“Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Қашқадарё вилояти бўйича мухбири А.Тайпатов томонидан Чироқчи туманининг айрим мактабларидаги камчиликлар юзасидан “Халқ сўзи”, “Народное слово” газеталарининг шу йил 2-, 6-, 9-февраль сонларида “Музхонага айланган мактаблар”, “Школы - холодильники” мавзусида чоп этилган мақола юзасидан Чироқчи тумани ва вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларидаги барча таълим муассасаларининг аҳволи вилоят ҳокимлигининг ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилди ва ушбу масалалар ҳокимлик вакиллари, хўжаликлар, маҳаллалар фуқаролар йиғини раислари, мактаб директорлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.*

*Мақолада қайд қилинган Чироқчи тумани ўрта умумтаълим мактаблари ва таълим муассасаларида аниқланган камчиликлар бўйича 7 нафар мактаб директори, туман давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачи эгаллаб турган лавозимларидан озод этилди. Туман халқ таълими бўлими мудирининг ишда қолиш масаласини кўриб чиқиш вилоят халқ таълими бошқармасига топширилди.*

*Вилоят таълим муассасаларидаги аниқланган камчиликлар туман ҳокимликлари вакиллари, таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида муҳокама этилиб, уларни зудлик билан бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқлар берилди.*

*Таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнини талаб даражасида ташкил этиш бўйича жойларда шаҳар, туман ҳокимликлари томонидан амалга оширилаётган ишлар вилоят ҳокимлиги томонидан назоратга олинди”.*

**(ЎзА).**

## Жиноятга жазо муқаррар

**Чўнтакни қаппайтириш учун баъзиларга таъминотчи корхонада ишлашнинг ўзи ҳам кифоя қилар экан. Айниқса, у ҳаммага бирдек зарур бўлган маҳсулотни етказиб бериш билан шуғулланса. Гапимга ишонмасангиз, “Агрокимётаъминот”нинг Наманган вилояти ҳиссадорлик бирлашмаси ва унинг туманлардаги жамиятларида ишлаб, мазасини тотиган акахонлардан сўраб кўринг.**

# ЎҒИТ ОМБОРИДАГИ ҚАЛЛОБЛАР

Неъматулло Иномов бирлашма раҳбари курсисида бор-йўғи икки йил ўтирдию, топадиганини топиб улгурди. Мойли жой қўлида бўлганидан эди бу. Ахир кунига ўнлаб одамлар ўғит сўраб турса, нима қилсин, ҳожатини чиқаради-да. Шундай қилди, лекин бекорга эмас.

Бирлашма раиси маъданли ўғитлар омборчиси Забидулло Эргашевга жамоа ва ширкат хўжаликларига тақсимот асосида тарқатилиши лозим бўлган ўғитни бериш вақтида 10 фоизини чегириб қолишни айтганида, унинг ҳам чеҳраси ёришиб кетди. Дастлаб қинғир ишни Тўрақўрғон туманидаги И.Набиев номли ширкат хўжалиги омборчиси Муродилла Ботиров билан муомалада синаб кўришди. Ботиров хўжаликка 603700 килограмм селитрадан ўн фоизи ёки 60370 килосини чўтал қилганларида ҳам бировга лом-мим демади. Буни кўриб ҳамтовоқларнинг иштаҳаси очилиб кетди. Текиннинг таъмини тотиб кўрган З.Эргашев Мингбулоқ тумани “Истиқбол” ширкат хўжалиги вакили Валижон Ғозиев юклаши лозим бўлган 59650 килограмм селитранинг 3500 килосини пора тариқасида олди-қўйди. Косонсой туманидаги “Камол” хусусий фирмасидан келган Музаффар Хўжаев эса бирлашма раиси кўрсатмаси билан тамагирлик қилаётган омборчига 5000 килограмм дорини қандай қилиб ҳадя этганини сезмай қолди.

Бирлашма раиси ва омборчи қарашсаки, анчагина ўғитни уриб қолишибди. Тезроқ гум қилишмаса, тайёр ошга пашша тушади. Йўлини топишди. 2000 йилнинг март ойида фуқаро Ёқуб Каримовга бир вагон селитрани ҳужжат-пужжатсиз тутқазишди. У 61 тонна ўғитни қўлга киритгач, қалбаки ҳужжатлар тайёрладида, вилоятнинг шимолига қараб йўл олди. Божхона назоратини четлаб, таъқиқланган маҳсулотни Қирғизистон Республикасига олиб ўтди ва унинг 27 тоннасини ўша ерлик фуқаро Абдулворис Насиповга 675000 сўмга, 10 тоннасини Ўзбекистон фуқароси Абдумалик Абдуллаевга 270000 сўмга, 24 тоннасини эса терговда аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга 510000 сўмга пуллади. 1 миллион 455 минг сўм уч ҳамтовоқ ўртасида арра бўлди.

Бу орада бирлашмада ҳужжатли тафтиш ўтказилиб, З.Эргашевнинг омборида 47 тоннадан кўпроқ селитра камомади аниқланиб қолса бўладими. Талвасага тушган икки шерик расмий ҳужжатларга сохта маълумот ва ёзувлар киритиб, қоғоздаги 61400 килограмм селитрани Поп тумани “Агрокимётаъминот”ига “йўлладилар”.

Забидулло Эргашев раҳбарининг кўнглини олишга уста чиқиб қолди. “Унинг ҳузурига қуруқ кирмайдиган бўлиб қолгандим. Пулни эса, албатта, ўғит сотиб топардим ”, дейди у. Тўғри гап. Омборчи ўша 2000 йилнинг март ойида Косонсой туманидаги “Санобархон” фермер хўжалиги бошлиғи Мансуржон Азимовга уч тоннасинини 60000 сўмга, янгиқўрғонлик фермер Анна Сатиевага беш тоннасини 75000 сўмга уриб, пулларни Неъматулло Иномовга берган. Раис жаноблари бу билан қаноатланмай туман ҳиссадорлик жамиятлари раҳбарларидан ҳам муттасил пора олиб турар экан. Жумладан, Чортоқ ва Мингбулоқ туман “Агрокимётаъминот”лари раиси Илҳом Абидов ҳамда Соҳатали Холмирзаевлар унга 100000 сўмдан узатишган.

Қовун қовундан ранг олади, деганлари рост экан. Вилоят бирлашмасида газак отган қинғир ишлар унинг туман бўлимларига ҳам кўчди. Айниқса, Уйчи тумани “Агрокимётаъминот” ҳиссадорлик жамияти раиси Ёқуб Каримов нафси хўжаликларининг 556 тонна ёки 8 миллион 85 минг сўмлик маъданлар ўғитлари пора тариқасида олиб қолинган экан. Бундан ташқари, жиноятчилар 79 тонна ёки 1 миллион 191 минг сўмлик ўғитни талонторож қилганликлари аниқланди.

Жиноятга жазо муқаррар. Вилоят жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати очиқ суд мажлисида ўғит таъминоти корхоналарига уя қуриб олган қаллобларнинг қинғир ишларини атрофлича кўриб чиқди. Судга таклиф этилган 64 нафар фуқаровий даъвогар, 100 га яқин гувоҳларнинг кўргазмалари, олиб борилган тергов ҳаракатлари натижасида тўпланган, рад этиб бўлмас далиллар жиноятчиларнинг қора ишларини исботлади. Ўн тўрт кишининг ҳар бири қилмишига яраша жазо олди.

Шундай қилиб, Наманганда маъданли ўғит таъминоти корхоналарига ўрнашиб олган бир гуруҳ жиноятчилар тўдаси фаолиятига нуқта қўйилди. Уларнинг қилмишидан ким зарар кўрди? Энг аввало, ширкат хўжаликлари, фермерлар.

Таъминотчилик вазифаси оғир, айни пайтда маъсулиятли. Истеъмолчи ишининг юришиши кўп жиҳатдан унинг тўғри йўлга қўйилишига боғлиқ. Айтиш керакки, аввало, бу соҳанинг раҳбари ҳалол бўлмоғи лозим. Акс ҳолда, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари топталаверади, юқорида айтилганидек, кўнгилсизликлар содир этилаверади. Энг ёмони шу.

наҳанглардан чиқиб қолди. У ўз бошлиғидан андоза олиб, ширкат хўжаликлари ўғит омборчиларидан мунтазам пора талаб қилиб келган. Хўжаликка юкланаётган ўғитдан уриб қолиш йўли билан мақсадини амалга оширган. Ёқуб Каримов Янгиқўрғон туманидаги “Кимёгар” дўкони сотувчиси Баҳодир Мирзабоевнинг ишонч қоғози сохталигини била туриб, унга 18 тонна селитрани нақд 380000 сўмга сотиб юборади. Ва... Баҳодир Мирзабоев қонунга хилоф равишда харид қилган селитрани Зокиржон Юсупов бошқарувида бўлган “КамАЗ”га юклаб, Янгиқўрғоннинг Оқтом қишлоғига келади. 8 тоннасини фуқароларга пуллайди, қолганини ҳам ўтказмоқчи бўлиб турганида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ушланади.

Жиноят илдизлари аввал “Агрокимётаъминот”нинг Уйчи тумани ҳиссадорлик жамиятига, сўнг вилоят бирлашмаси, Мингбулоқ, Тўрақўрғон, Чортоқ тумани ҳиссадорлик жамиятларига бориб тақалади. Тергов ходимлари тизимда таркиб топган порахўрлик, хизмат мансабини суиистеъмол қилиш, товар-моддий бойликларни ўзлаштириш, ўзгалар ҳақидан уриб қолиш ҳолатларини ипидан игнасигача очиб ташладилар. Маълум бўлишича, уюшган гуруҳ томонидан 60 та ширкат ва жамоа

**Сойибжон ИСОҚОВ,**
**Наманган вилояти ИИБ Коррупция, товламачилик, рекетга қарши кураш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги.**

Азиз юртдошлар!

Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар хизмати оператори —

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси

сизларни баҳор байрами -

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан муборакбод этиб, барчангизга тинчлик, хотиржамлик, соғлиқ-саломатлик тилайди.



Ўзбекистон телекоммуникациясининг келажаги «Ўзбектелеком»га мансуб!

700000, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 24.
Тел. 133-42-59. Факс: 136-01-88.
E-mail: uztelecom@intal.uz
http: //WWW.uztelecom.uz

5436/430

«Ипак йўли»

АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ ТИЖОРАТ БАНКИ

Ўзбекистон халқини баҳор байрами —

НАВРЎЗ

билан муборакбод этади!

Ҳаммангизнинг оилаларингизга бахт-саодат ва фаровонлик тилаймиз!

Аҳоли учун қуйидаги омонат турларини мамнуният билан таклиф этамиз:

- **"Наврўз"** — *уч ой муддатга қабул қилинадиган бу омонатни қўйиш чоғидаёқ йиллик 30 фоиз ҳисобидан фойдаси тўланади.*
- **"Қарияларни қадрлаш"** — *уч ой муддатга қабул қилинадиган бу омонатни қўйиш чоғидаёқ йиллик 36 фоиз ҳисобидан фойдаси тўланади. Депозитга қўшимча бадаллар қабул қилинади.*
- **"Хайрия"** — *олти ой муддатга қабул қилинадиган бу омонатни қўйиш чоғидаёқ йиллик 45 фоиз ҳисобидан фойдаси тўланади.*

Шунингдек, бизда **"Money Gram"** тизими орқали пул маблағларини МДҲ ва дунё мамлакатларига 10 минут ичида ўтказиш бўйича банк хизматидан фойдалана оласиз.

5456/467

«СУВЖИҲОЗГАЗ»

Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси

бутун ўзбекистонликларни янгиланиш, яшариш, тинчлик-омонлик ва фаровон ризқу рўз тимсоли бўлган

Наврўз айёми

билан самимий қутлайди

ва Сизларга йил давомида баҳорий кайфият ҳамроҳ бўлишини истайди.





Биз ҳамиша Сиз билан биргамиз.

«Сувжиҳозгаз» қўшма корхонаси.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, "Чилонзор" мавзеи, 20-даҳа, 19/3-уй.
Телефонлар: 117-15-56, 117-15-45.

5477/505

# "ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ-ХОЛДИНГ"

## холдинг компанияси бошқаруви ва жамоаси



Ўзбекистон халқини баҳор ва гўзаллик байрами —















# Наврўзи олам

билан самимий табриклайди.

*Барчага соғлиқ-саломатлик,*
*бахт-саодат ва хуш кайфият тилайди.*
*Баҳор байрами хонадонингизга файз*
*ва дастурхонингизга қут-барака*
*олиб келсин!*

**Юксалишнинг равон йўлига чиқиб олган компания ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозоридан мустаҳкам ўрин эгалламоқда.**

**Унинг маҳсулотларига талаб тобора кўпаймоқда. Компания келгусида ўз олдига мамлакатимиз иқтисодиётига тобора кўпроқ улуш қўшиш, ўз маҳсулотлари билан юртимизни дунёга танитишни мақсад қилиб қўйган.**



"Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг"
холдинг компанияси
бошқаруви.






## ҚИЗИЛҚУМДА ҚЎЗИЛАТИШ БОШЛАНДИ

Қизилқум саҳроларида 800 мингга яқин қўй-қўзи, туя ва йилқи боқилмоқда. Бу йил чўлга баҳор эрта келиб, қўзилатиш мавсуми ҳам барвақт бошланди. "Навоий-қоракўл" уюшмаси тизимидаги 36 хўжалик чорвадорлари 480 минг 155 совлиқнинг ҳар юз бошидан 106 тадан соғлом қўзи олишни мўлжаллашган.

Қишловни яхши ўтказган Конимех туманидаги "Конимех", "Абай", "Сарибел", "Қизилқум", Нурота туманидаги "Нурота", "Қизилча", Томди туманидаги "Оёққудуқ", "Томди" ширкат хўжаликлари қоракўлчилари эса ҳар юз бош совлиқдан 110-125 тадан қўзи олиш ниятидалар.

Вилоят қоракўлчиларининг ҳисоб-китобларига қараганда, жорий йилда ушоқ моллар сони бир миллион бошга етказилади, қўшимча 500 отар ва мингга яқин иш ўрни ташкил этилади.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**




*Суратда сизга майин табассум ила нигоҳ ташлаётган бу аёл — Тошкент Давлат тиббиёт институти тиш касалликлари кафедраси ассистенти ҳамда поликлиника бўлим мудири Муҳаббатхон Муслимова. Унга ҳамкасблари ўз соҳасининг фидойиси деб бежиз таъриф беришмаган. Опа кўп йиллардан бери аҳолига сидқидилдан хизмат кўрсатиб келаяпти. У ҳамиша одамлар дардига малҳам бўлади — тиш оғриғини даволайди. Унинг муолажа чоғидаги беморларга хуш муомаласи, ширин каломи ярим даво бўлади, аслида. Онаси изидан бориб, олий ўқув юртининг стоматология бўлимида таҳсил олаётган Дилдорахон билимини амалиётда синаш мақсадида тез-тез бу ерга келиб туради. Унинг орзуси онасидек эл дардига малҳам бўлгувчи шифокор бўлиб етишиш.*

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

# ИШТИРОКЧИЛАР — САВДО УЙЛАРИ

*Япон кредити бўйича телекоммуникацияларни ривожлантириш бўйича ўтказилаётган тендер танлови якунланиш арафасида*

Япониянинг Халқаро ҳамкорлик (JBIC) банки томонидан ажратилган 12,7 миллиард йен асосида Ўзбекистон Республикасида телекоммуникацияларни ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритиш учун кучли рақобат курашида салоҳиятли чет эл компаниялари иштирок этмоқда. Тендер комиссияси ва ишчи гуруҳи Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация агентлигида халқаро тендер қоидаларига мувофиқ, 4-ЛОТ, яъни телевидение ва радио тизимлари бўйича навбатдаги муҳим босқич тадбирини ўтказди. Эслатиб ўтамиз: бошланғич танлов жараёнида қатнашган саккизта фирмадан бештаси ушбу босқичга қўйилган эди. Улардан тўрттаси ўз ҳужжатларини вақтида топширди. Бешинчиси эса белгиланган муддатда зарур ҳужжатларни тайёрлашга улгуролмади. Шу боис, тендер комиссияси ушбу фирмани асосли равишда тендерга қўймади.

Навбатдаги босқич тадбирида комиссия танловда қатнашиш ҳақидаги аризанинг асли ва нусхалари бор-йўқлигига, ишончнома, тендер облигацияси, субпудратчиларнинг ишончномалари, кафолатлар, техник хизмат кўрсатиш дастурларининг мувофиқлик сертификатлари, техник таклифлар, йиллик ҳисоботлар ва ниҳоят, молиявий таклифларнинг юридик жиҳатдан тўғри расмийлаштирилганига қараб, буюртмалар қабул қилди.

Япония корпорациялари — Иточу, Мицубиси, Мицуи ва Ничимен савдо уйлари бу босқичдан муваффақиятли ўтди. Уларнинг ҳужжатлари қабул қилинди. Тендер комиссияси эса бу ҳужжатларни кўриб чиқишга киришди.

Энди икки ой муддат ичида тўрт иштирокчидан қайси бири ютиб чиқиши ва ушбу йирик лойиҳани амалга ошириш учун ягона даъвогар бўлиши тўғрисида қарор эълон қилинади. Маълумки, танловнинг барча иштирокчилари (савдо уйлари) ускуна ва ашёлар ишлаб чиқарувчи энг номдор фирмалар билан мустаҳкам шериклик муносабатларига эга.

Тендернинг навбатдаги босқичи — тўртинчи ЛОТ давомида Ўзбекистонда телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш тизимларини ривожлантириш ва янгилашга қаратилган катта лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, 63 та янги телевизион узатгич ва 36 та FM-радиоэшиттириш мажмуаларини фойдаланишга топшириш назарда тутилмоқда. Бу объектларнинг ҳомийси Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида жойлашган. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм ва Навоий вилоятларида 4250 линияли симсиз радиоуланиш тизимларини қуриш мўлжалланмоқда. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун 2,7 миллиард япон йени ёки 20 миллион АҚШ долларидан зиёд миқдорда маблағ сарфланади.

Тўртинчи ЛОТ бўйича ўтказилган тендер танлови якунларини нафақат унда қатнашган фирмалар, балки республикамизнинг алоқачи жамоалари ҳам кутиб турибди. Чунончи, чет эллик шериклар иштирокида техника билан қайта қуроллантириш ишлари олиб борилаётган радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение корхоналари кўплаб объектларни қуриш ва қайта қуриш, энг янги ускуна ва технологияларни жорий этиш тадбирларини маблағ билан таъминлаш истиқболларига катта умидлар билан қарамоқдалар. Чунки ушбу тадбирлар амалга оширилса, қисқа давр ичида радиоэшиттириш ва телевидениенинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, бирмунча янгиланади, бутун Ўзбекистонда юксак сифатли ва мустаҳкам радиотелевизион дастурларнинг кенг ёйилиши учун янада мустаҳкам замин яратилади.

**А.КУДИНОВ.**












# «ЎЗПАХТАСАНОАТ» уюшмаси жамоаси

барча юртдошларимизни баҳор ва бахт, шодлик ва навқиронлик байрами —

Наврўзи олам билан табриклайди!



5452/374

Азиз ҳамюртлар ва Ўзбекистоннинг меҳмонлари!

# «Капитал банк» ХОАТБ жамоаси

Сизларни баҳор ва янгиланиш байрами — НАВРЎЗ билан муборакбод этишдан мамнун эканлигини изҳор этади.

Сизларга бахт ва қувонч, фаровонлик ва омадлар тилаймиз.
Азиз Ватанимиз равнақи йўлидаги барча ишларингизда зафар ёр бўлсин!

capital bank



# BAXTLI VOQEA

TV LOTTO 1958

Ўзбекистоннинг кўп миллатли меҳнатсевар халқини фусункор баҳор байрами — Наврўз билан муборак этади.

Ана шу байрамнинг бошланиши юртимизга Янги йилнинг кириб келишидан дарак беради. Дов-дарахтларда куртакларнинг бўртиб чиқиши, борлиқнинг чаманзор бўлиб, гулга бурканиши қалбимизда янги орзу-умидлар уйғотади, ҳаётимизнинг янада гўзал ва фаровон бўлишига ишонч туғдиради.

Азиз ватандошлар! Мана шу фараҳбахш кунларда барча эзгу тилакларингизнинг рўёбга чиқишини, хонадонларингизга файзу барака ёғилишини, бир-бирингизга бўлган меҳру муҳаббатингиз янада зиёда бўлишини тилаймиз.



Наврўзингиз муборак бўлсин!

5427/421

Яхшилардан сўз очдик

# ИРОДАНГИЗГА ТАСАННО!

*Садбархон ақлу заковати чархланган, ўзи сингари тадбиркор аёлларнинг суҳбати, қўллаб-қувватлашларидан куч-ғайратга миниб, янги-янги режалар, мақсадлар билан яшаётган эди. Аммо тақдирнинг ўйинини қарангки, асти тиним билмайдиган, ғайрати оламжаҳон бўлган аёл 1998 йил 27 июнда автомобиль ҳалокатидан сўнг бир жойга михланиб, I гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Аввалига йиғлади-сиқтади, яшагиси келмай қолди, лекин бирин-кетин бўйи чўзилаётган уч қизи, тўрт яшар ўғилчаси уни ҳаётга қайтарди. Мустаҳкам ирода, сабру қаноат, улкан меҳр беш болалик Садбархонни яшашга, курашишга даъват этарди. Болаларга бош бўлиб, ўтирган жойида уларга иш ўргатди. Икки қизини тўй қилиб узатди, турмуш ўртоғига руҳан, маънан ёрдам берди. Энди уларнинг орзу-ҳавасини кўриб, яна бир қизию, ўғлининг бахтига омон юришни Аллоҳдан сўради.*

*— Ҳозир маҳалла қизларига пайпоқ, нимча тўқишни ўргатяпман. Бекор юргандан ҳунар ўрганишса яхши-да. Тўғри, мен бу ишдан моддий манфаатдор эмасман. Лекин кимларгадир керакли бўлиб яшашнинг ўзи бахтда...*

*"Камолот" ёшларнинг ижтимоий ҳаракати тўғрисида жуда кўп баҳс мунозаралар бўлиб ўтди. Биз маҳалла болалари билан бу ҳаракатни норасмий равишда аллақачон бошлаб юборганмиз. Ҳар бир байрамда улуғ боболаримизнинг таваллуд кунларига бағишлаб танловлар, кечалар, беллашувлар ўтказамиз. Ойнинг охирида эса маҳаллалараро "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танловини уюштирамиз. Ота-оналар, айниқса, ёш болали оналар бизнинг доимий мухлисимиз. Биласизми, одамга ҳаддан ташқари раҳм-шафқат кўрсатиш инсоний ғурурни ўлдиради. Менга баъзан Наврўз айёмида ногирон сифатида хайру эҳсон қилишса, хафа бўлиб кетаман. Шу боис ташқаридан келган барча маблағни маҳалла болаларига ишлатаман. Қоғоз, қалам, тўп, ўйинчоқлар оламиз. Қилаётган ишим ўзимга ёқади, руҳимни кўтаради.*

*Садбар онага қараб ўйланиб қолдим. Бунча куч-қудратни, интилишни, ҳаётни севишни қаердан ўрганасиз? Сизни ҳаракатга келтириб турган нарсанинг ўзи нима? Саволларимга унинг кўзидаги "Мен онаман" деган ифода жавоб бергандай бўлди.*

**Маҳфуза УСМОНОВА, Дилафруз ЙЎЛДОШЕВА.**
Фарғона шаҳри, Бешбола қишлоқ фуқаролар йиғини.





Халқаро ҳамкорлик

# САКУРАНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ЯНА БИР МАНЗИЛИ

## ёки маданиятлар алмашинадиган карвонсарой ҳақида

«Карвонсарой» деган сўзнинг луғавий маъносини англасам-да, барибир китоб титкиладим. Деярли ҳамма манбаларда таъриф бир хил. «Карвонсарой — шаҳарлар, йўллар устида карвонлар учун мўлжалланган меҳмонхона, савдо бекати. Шаҳарларнинг ўсиши, карвон савдосининг кучайиши билан айниқса кўпайган». Лекин шаҳримизнинг Юсуф Хос Ҳожиб номли кўчасида бунёд этилаётган карвонсаройнинг таърифи бироз бошқачароқ. Келинг, бошидан бошлайлик.

Бир неча йиллардан буён япониялик олимлар билан республика Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти тадқиқотчилари шартнома асосида Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги Далварзинтепа қадимий шаҳрида қазилма ишларини ҳамкорликда олиб боришяпти. Япониялик олимларга Камакура шаҳридаги Буюк Ипак йўли тадқиқот институти директори Хирояма Икуо бевосита раҳбарлик қилади. Бу ном нафақат Японияда, балки бутун дунёга машҳур. Боиси, Хирояма таниқли жамоат арбоби, буюк рассом, ижодининг юксаклиги ила жаҳон маданияти меросига киритилган афсонавий инсон. Ўзбекистон Республикаси Бадиий академиясининг фахрий аъзолигига қабул қилинган. Буюк инсонлар одатда оддий,самимий, меҳрпарвар бўлишади. Хирояма ҳам халқимизнинг унга кўрсатган эҳтиромига жавобан шаҳримизда марказ барпо этишга аҳд қилди. Шуниси қизиқки, кунчиқар мамлакати билан ўзбек халқи анъаналари, урф-одатлари ўртасида бир қанча ўхшашликлар мавжуд. Ҳатто айрим сўзларимизда ҳам яқинлик бор. Қолаверса, карвонсарой деган сўзнинг маъносини англаган Хирояма бунёд этиладиган марказ олимлар йиғиладиган, симпозиумлар, турли кўргазмалар уюштириладиган, Буюк Ипак йўли орқали келадиган, алмашинадиган ва тарқатиладиган маданиятлар карвонсаройи бўлишини ният қилди. Токи, янги карвонсарой нафақат шарқдан ғарбга, балки шимолдан жанубга томон маданиятлар алмашинувига сабаб бўлсин. Бунда Тошкент шаҳри марказ вазифасини бажаради.



— Аллома ижодкор, олиҳиммат инсон Хирояманинг беминнат,беғараз ёрдами билан барпо этилаётган карвонсарой илмий марказ ҳамда кўргазмалар залидан иборат бўлади, — дейди Республика Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев. — Ҳозир бунёд этилган илмий марказда 15 минг китоб бойлигига эга кутубхона, қироатхона ташкил этилади. Турли давлат вакиллари машварат ўтказадиган музокаралар хонасига алоҳида жой ажратилади. Яна бир хона компьютерлар билан жиҳозланади. Мўъжазгина ҳовлида эса рамзий мева ниҳолларини, сакурани ҳам ўтқаздик. У гуллаганда теварак-атрофга ис-ли,иформи хушбўй ҳид тарқалади. Бу кишига хушкайфият улашади. Эзгу ният ила барпо этилаётган маданият карвонсаройи довруғи, ажаб эмас, узоқ-узоқларга таралса-ю, одамларга маърифат тарқатса.

Марказда бугунги кунда иш қизғин. 47 гектарни эгаллаган Далварзинтепадаги 5 гектарлик шоҳ саройидан, 42 гектарлик Шаҳристондан топилган топилмалар шу ерда япониялик мутахассислар билан бирга таъмирланаяпти.

— Топилмаларнинг кўпи сопол идишлар,— дейди Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ходими Баҳодир Турғунов. — Улар кўпинча синган, парчаланган, куйган ҳолда учрайди. Гоҳо қазиш ишлари олиб борилаётганда зарарланган идишлар бир ерда бўлади, гоҳо эса акси, сочилиб кетади. Бир жойдагисини жамлаш осон кечади. Тарқалиб кетганларини эса айрим белгилари, бир хил чизиқлари, суратлари, ёзувларига қараб бутланади. Қарабсизки, шу сопол парчаларидан катта-кичик кўзалар, идишлар, ҳаёт учун зарур ашёлар қайта жонланади. Энди бунёд этиладиган кўргазмалар залида, насиб этса, ана шундай антиқа осори-атиқалар намойиш этилади.Бизнингча, бу кўпчиликни қизиқтирса керак.

Киото, Канадзава ҳамда Токио Метрополитен университетидан келган мутахассислар таъмирлаш ишларининг нозик сир-синоатларини ёш, ўзбек талабаларига сидқидилдан ўргатишяпти. Марказдаги лабораторияни бугунги кунда миллий таъмирловчи мутахассислар — реставраторлар тайёрлайдиган мактабнинг илк дебоча синфига қиёсласа бўлади. Ёшларимиз бу ерда японлардан кўп нарса ўрганишяпти, ишлари самарали бўляпти.

...Илло, бу маскан фақат яхшиликка, эзгуликка хизмат қилгай.

**Умида ФАЙЗИЕВА, Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.**

Нега шундай деймиз?

# ҲУТ — ЮТ

**Ҳут — қуёш йили ҳисобида ўн иккинчи ойнинг арабча номи. Биз фойдаланадиган тақвимга қиёсласак, 22 февралдан 21 мартгача бўлган даврни қамраб олади. Аниқроғи, қишнинг адоғи билан кўкламнинг бошига тўғри келади. Айни паллалардан эътиборан ер уйғонади, тупроқ исийди. Далалар-у боғ-роғларда экин экишга қизғин тараддуд кўрилади. Халқимиз шуни назарда тутиб, «Ҳут кирди — деҳқоннинг пайтавасига қурт кирди», «Ҳут кирди — ер остига дуд кирди», дейди.**

**Бироқ ҳут ойи ҳамиша ҳам бирдек қулай келавермайди. Гоҳида эндигина кунлар илиб, қорлар эриётган маҳали қўққисдан қаттиқ совуқ тушади. Ер устини қалин муз қоплайди. Бундай кезларда қишловга жамғарилган ем-хашакларнинг таги кўриниб қолган бўлади. Ана шу оғир дамлар чорвадорлар тилида «ют» деб аталади. Асрий кузатишларга қараганда, ют ҳар ўн-ўн икки йилда бир такрорланади. Мучал бўйича асосан Қуён йилида рўй беради. Масалан, 1867-68, 1879-80, 1891-92, 1902-03 йиллар қишидаги оғир ютлар туфайли Оқмола, Тўрғай ва Сирдарё вилоятлари ҳудудидаги чорва молларининг салкам ярми қирилиб кетган.**

**Албатта, бундан ют фақат Қуён йилидагина бўларкан-да, деган хулоса чиқармаслик лозим. Негаки, бундай ташвишли ҳоллар бошқа пайтларда ҳам юз бериши эҳтимолдан холи эмас. Чунончи, 1911-12 ва 1919-20 йиллардаям ют бўлгани қайд этилган. Улар мучал бўйича мутаносиб равишда Тўнғиз ва Қўй йилига тўғри келган.**

**Ота-боболаримиз юқорида эслатилган хусусиятларига кўра ҳут ойига икки хил таъриф беришган. Жумладан, «Яхши келса ҳут — кут, ёмон келса ҳут — ют», «Ҳут — молга келган ют», «Ҳутман, яхши келсам — қозон тўла сутман, ҳутман, ёмон келсам — ориқ молга ютман», «Яхши келса ҳут —кади-кади сут, ёмон келса ҳут — керагада пут», «Яхши келса, ҳутни кўринг, хурма-хурма сутни кўринг, ёмон келса, ҳутни кўринг, серрайиб ётган путни кўринг» сингари ўзаро ҳамоҳанг нақлларни яратишган. Бу ўринда кади дейилганда қовоқнинг ичидаги эти ва уруғлари олиб ташланиб ясалган қўлбола идиш, пут деганда қўй-эчки ва қорамолнинг сони кўзда тутилади. Керага эса, биласиз, ўтовнинг четансимон деворидир. Демак, ҳут баракали келса, ўт-ўлан баравж ўсади. Моллар тўйиб, вазни ва маҳсулдорлиги ошади.**

**Ҳозир ўлкамизда ҳут оёқлади. Бу йил у қандай келганини об-ҳавога ва табиатдаги ўзгаришларга қараб ўзингиз билиб олаверасиз, деган умиддамиз.**

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ тайёралади.**

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 19 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 364,87 | 1 Норвегия кронаси | 78,79 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 987,82 | 1 Польша злотийси | 169,05 |
| 1 Дания кронаси | 82,30 | 1 Сингапур доллари | 381,00 |
| 1 БАА дирхами | 189,15 | 1 СДР | 872,68 |
| 1 АҚШ доллари | 694,72 | 1000 Туркия лираси | 052 |
| 1 Миср фунти | 151,03 | 1 Швеция кронаси | 67,00 |
| 1 Исландия кронаси | 6,93 | 1 Швейцария франки | 418,28 |
| 1 Канада доллари | 438,53 | 1 ЕВРО | 611,35 |
| 1 Хитой юани | 83,93 | 10Жанубий Корея вони | 5,29 |
| 1 Қувайт динори | 2262,78 | 10 Япония иенаси | 53,54 |
| 100 Ливан фунти | 45,89 | 1 Россия рубли | 22,34 |
| 1 Малайзия ринггити | 182,85 | 1 Украина гривнаси | 130,54 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 294, 38254 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — Ф. САНАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00*
1 2 3 4 5 6

# САВОЛ БИЗДАН...

**Моллюскалар ҳақидаги фан нима деб аталади?**

**Ўтган сонда берилган саволнинг жавоби:** *Иброҳим Раҳим.*

136-35-60

Чув тушди

# Эллик тўрт мингни деб...

## бир миллион тўрт юз минг сўмдан ажралган «тадбиркор» хусусида митти ҳикоя

С.Маннопова Зангиота туманидан. Пойтахтимизнинг Аския бозорида анчадан буён савдо билан шуғулланарди. Тирикчилиги ёмон ўтмаётганди. Бир куни ўйлаб-ўйлаб тамаки маҳсулотларини сотсам-чи, деган хаёлга борди. Савдо айланмасида анча-мунча ортиқча маблағи ҳам бор эди. Қараса, тамакидан яхши фойда топаяпти. Аввал юз-икки юз минг сўм билан бошлаган бўлса, қисқа муддат ичида уни бир миллион тўрт юз минг сўмга чиқарди. Лекин бунинг учун ҳар хил турдаги тамаки маҳсулотлари сотиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома кераклиги ҳақида ўйламади. Йўқ, уни билмасди, деб бўлмасди. Биринчи бор шуғулланаётган бўлсаки, билмаган десак. Биларди. Лекин пулини кўзи қиймади. У бунинг ҳаммаси учун 54 минг 880 сўм сарфласа кифоя эди. Тўғри, газетхон бу кичкина пул эмас-ку, деб айтиши мумкин. Лекин дўконидан Тошкент шаҳар Яккасарой тумани солиқчилари текшируви чоғида 28 турдаги 3 минг 192 қути (1371450 сўмлик) тамаки маҳсулоти чиққан тадбиркор учун 54 минг сўм унчалик катта туюлмаслиги табиий. Оқибат нима бўлди. Шунча маҳсулотга — қуйди-қолди. Тергов, сўроқ-суриштирувни-ку айтмай қўя қолайлик.

Бундай тадбиркорлар кам, деб ўйлайсизми. Бор, топилади. Лекин биз уларни Маннопованинг ҳолига тушмасликларини истардик.

Бунинг фақат битта йўли бор. У ҳам бўлса, қонуний фаолият юритиш. Акс ҳолда кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, йиққан-тикканларининг ҳаммаси бир кунда соврилиши ҳеч гап эмас. Агар ҳамма нарса қонуний бўлса, мушугингизни ҳеч ким «пишт» деёлмайди, Маннопова-дай «чув» ҳам тушмайсиз.

**Ўз мухбиримиз.**

ТАШКИЛОТ ЧЎЯН РАДИАТОРЛАРНИ вагонлаб етказиб беради.
Тошкентдаги омбордан Россияда ишлаб чиқарилган қуйидаги САНТЕХНИКА ЖИҲОЗЛАРИНИ СОТАДИ:
чўян ванналар 150 см. ва 170 см.;
умивальниклар тўплами;
унитазлар тўплами;
ошхона учун мойкалар;
ванна ва ошхона учун смесителлар;
линолеум (15 хил).
Тел.: 137-72-24, 137-72-23.

Россия фирмаси йигирув ишлаб чиқариши чиқиндиси — қайта тараш тарандиларини юқори нархларда сотиб олади.
Стандарт №15
Тел.: (99871)169-39-06, 169-70-67

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча товар етказиб берувчи ташкилотлар, корхоналар, уюшма ва фирмалар диққатига!
«Даварxитектқурилиш» қўмитасига қарашли Республика хўжалик ҳисобидаги пудрат савдолари (тендери)ни ташкил этиш
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ
ТЕНДЕР САВДОСИГА ҚАТНАШИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.
ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ МУКАММАЛ ҚУРИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ
2002 йилда қайта таъмирланаётган касб-ҳунар коллежлари учун зарур бўлган ҳар хил қурилиш жиҳозларини, асбоб-анжомларини тендер асосида сотиб олади.
Тендерда иштирок этишни хоҳловчилар «Даварxитектқурилиш» қўмитасига қарашли Республика тендерларни ташкил этиш бошқармаси Фарғона вилояти бўлимига тендер ҳужжатларини олиш ҳақидаги сўровнома билан қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари лозим.
Манзилгоҳ: Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 29-«А» уй (Фарғона вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси).
Телефон/факс: 26-43-19.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 25 июлдаги 00124 - рақамли лицензияси асосида фаолият юритаётган
«OSIYO-AUDIT»
аудиторлик компанияси
ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:
• сифатли аудиторлик текшируви ўтказиш ва хулоса бериш;
• бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш;
• йил давомида аудиторлик хизмати кўрсатиш;
• консалтинг ва молиявий фаолиятга доир бошқа хизматлар кўрсатиш.
Республиканинг барча вилоятларида компаниянинг шўъба корхоналари мавжуд.
АЛОҚА УЧУН ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТЕЛЕФОН: 136-11-60.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамоаси «Народное слово» газетаси янгиликлар бўлими муҳаррири Ольга Калининага онаси

**Мария ДУДКИНАнинг**

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва жамоат ташкилотлари Макроиқтисодиёт ва социал соҳани ривожлантириш кафедраси доценти Муҳаммаджон Қосимовга онаси

**ЧЎЛПОНОЙ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» акциядорлик тижорат банки Бошқаруви ва жамоаси банк бошқарувининг масъул ходими Рустам Назаровга акаси

**Пўлат НАЗАРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раҳбарияти ва тармоқ касаба уюшмаси МК компания раисининг ўринбосари Дилмурод Раҳимовга акаси

**Маҳкам РАҲИМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Осиё фуд» ОАЖ бошқаруви ва жамоаси «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорацияси бошқаруви раиси муовини П. Алиёровга падари бузруквори

**ШАРИП отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.